

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ

662 Вазирлар Маҳкамасининг «Алоҳида муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш соҳасидаги ишларни ташкил этишни тартибга солиш ва назорат қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 15 июндаги 376-сон қарорига ўзгартириш кириштиш ҳақида

Вазирлар Маҳкамасининг «Давлатлар, давлатларнинг ҳукуматлари, халқаро ва чет эл ҳукумат ташкилотлари, чет эл фуқаролари, шунингдек халқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотларидан олинadиган беғараз ёрдам молиявий маблағларини ҳисобга олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 4 февралдаги 56-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Алоҳида муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш соҳасидаги ишларни ташкил этишни тартибга солиш ва назорат қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 15 июндаги 376-сон қарори 5-бандининг биринчи хатбошидаги «Ипотека банк» АТИБга» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 12 июль,
492-сон